

КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИНИНГ УМУМИЙ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТИ ТАҲЛИЛИ

Эргашева Фотимахон Ибрагимовна

Наманган муҳандислик-технология институти “Иқтисодиёт” кафедраси доценти, PhD

Охунжонова Мадина Исоқжоновна

Наманган муҳандислик-технология институти “Иқтисодиёт” йўналиши магистри

Аннотация: Мақолада кичик бизнес субъектларининг миллий иқтисодиётдаги аҳамияти ва уни ривожлантириш долзарб масала эканлиги баён этилган. Бугунги кунда мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган кичик бизнес субъектларининг салмоғи, соҳалар кесимидаги улуши ёритиб ўтилган. Умумий иқтисодий ҳолатини баҳоланиши динамикаси кўрсаткичлари ва мазмуни акс этирилган. Шунингдек унда соҳадаги айрим муаммолар ва соҳани ривожлантириш борасидаги тегишли тавсиялар ўрин олган.

Калит сўзлар: кичик бизнес корхоналари, истеъмолчилар, индивидуаллашув, таваккал, мулкый жавобгарлик, кичик тадбиркорлик субъектларини қўллаб қувватлаш, соҳалар кесими, қулай, қониқарли, қониқарсиз.

КИРИШ

Иқтисодиёт ривожланишининг барча босқичларида истеъмолчилар кичик бизнес корхоналарининг ҳажми билан белгиланувчи миқдорий кўрсаткичларга нисбатан маҳсулот, хизмат, янгилик билан тавсифланувчи сифат кўрсаткичларини афзал била бошладилар. Бундай шароитда қатъий таркибга эга бўлган йирик корхоналарга нисбатан бозор муҳитига тез мослашувчан кичик корхоналар истеъмолчилар эҳтиёжларига мос товарларни кўпроқ ишлаб чиқарадилар.

Шунингдек, турли хилдаги товарлар ва хизматларни таклиф этиб, таклифнинг индивидуаллашувини таъминлайди. Чунки истеъмолчилар талаби такрорланмаслигининг ошиб бориши аллақачонлардан бери кузатилиб келинмоқда. Бунда яқка талабдаги товарларни ишлаб чиқариш зарурияти натижасида кичик техникалар, мини ускуналардан фойдаланиш кенгайиб бормоқда [3].

Шу боисдан ҳам, республика ҳукумати хусусий тадбиркорлик секторини

ривожлантириш йўлида, уларнинг ташаббусини рағбатлантириш учун барча зарур шарт-шароитлар яратиб бермоқда. Бу ташаббус ҳукумат томонидан қўллаб-қувватланаётгани учун ҳам, мамлакатимизда кичик бизнес кун сайин янги босқичларга кўтарилмоқда.

Бу борада Президентимиз: “Фақат катта корхоналар қуриб, аҳоли бандлигини ва даромадини ошириш, бюджет тушумларини кўпайтириш масалаларини тўлиқ ҳал эта олмаймиз. Турмуш даражасини оширишнинг энг муҳим йўли тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантиришдир” – деб таъкидлаб ўтганлар [1].

Юқоридагилар билан бир қаторда кичик бизнес фаолиятига оид бошқарувни такомиллаштириш, уни давлат томонидан тартибга солиш ва бозор иқтисодиётидаги фаолиятини таъминлашга қаратилган комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш талаб қилинади. Асосий муаммолардан бири кичик бизнес фаолиятини чуқур таҳлил қилган ҳолда мавжуд имкониятларни ишга тушириш, улар фаолиятини тартибга солиш муаммолари юзасидан илмий асосланган таклиф ва тавсияларни асослаш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Юқорида кўрсатилган вазифаларни маълум даражада ҳал қилишга йўналтирилганлиги ўзининг долзарблиги билан аҳамиятлидир.

Асосий қисм

Маълумки, тадбиркорлик фаолияти (кичик тадбиркорлик) – тадбиркорлик фаолияти субъектлари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган, ўзи таваккал қилиб ва ўз мулкӣ жавобгарлиги остида даромад (фойда) олишга қаратилган ташаббускорлик фаолиятидир.

Сўнгги йилларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жамият ҳаётидаги ўрни анча мустаҳкамланди. Фаолият юритаётган кичик корхона ва микрофирмалар сони 2024 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра 417,1 мингтани ташкил этди. Кичик тадбиркорлик субъектларининг сони ҳар 1000 аҳолига 14,0 бирликни ташкил қилди.

2024 йил 1 январь ҳолатига фаолият юритаётган кичик корхона ва микрофирмалар (фермер ва деҳқон хўжаликларисиз) сони жами 417 080 тани, шундан янги ташкил этилганлари 86 030 тани ташкил этди. 2024 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра ҳудудлар бўйича фаолият юритаётган кичик корхона ва микрофирмаларнинг энг кўпи Тошкент шаҳрида 87 458 тани ёки жамига нисбатан 21,0 % ни, Тошкент вилоятида 38 953 тани ёки жамига нисбатан 9,3 % ни ва Самарқанд вилоятида 37 398

тани ёки 9,0 % ни ташкил этди [24].

Сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан кичик тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш ҳамда ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатдан яхшилаш бўйича қабул қилинган қарор ва фармонлари, шунингдек, бу соҳага берилаётган катта эътиборлар натижасида 2018-2023 йилларнинг январь-декабрь ойлари давомида жами 510,1 мингта кичик корхона ва микрофирма янгидан ташкил этилди. Янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмалар соҳалар кесимида таҳлил қилинганда, энг кўп янги субъектлар савдо соҳасида – 189,5 мингта (ёки 37,1 %), хизматлар соҳасида – 123,4 мингта (ёки 24,2 %), саноат соҳасида – 99,0 мингта (ёки 19,4 %), қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида – 61,1 мингта (ёки 12,0 %) ва қурилиш соҳасида – 37,1 мингта (ёки 7,3 %) ташкил этилган.

1-жадвал

Январь-декабрь ойларида кичик тадбиркорлик субъектларининг асосий кўрсаткичлари, % да

Йўналишлар	2022 йил	2023 йил
Саноат	26,0	26,9
Қишлоқ хўжалиги	94,8	94,8
Инвестиция	47,9	51,4
Қурилиш	71,5	74,7
Чакана савдо	84,7	83,8
Хизматлар	49,4	47,7
Юк ташиш	47,4	50,8
Юк айланмаси	72,4	73,5
Йўловчи ташиш	92,4	91,6
Йўловчи айланмаси	95,0	95,1
Экспорт	31,2	29,0
Импорт	49,5	50,7

2023 йил январь-декабрь ойларида кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан 176 523,9 миллиард сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди ёки саноат ишлаб чиқариши умумий ҳажмининг 26,9 % ини ташкил этди. Ўсиш суръати 2022 йил январь-декабрь ойларида нисбатан 113,9 % ни ташкил қилди.

2023 йил январь-декабрь ойларида кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан

амалга оширилган қурилиш ишлари ҳажми 111 914,0 миллиард сўмни ёки қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 74,7 % ини ташкил этди. Ўсиш суръати 2022 йил январь-декабрь ойларига нисбатан 110,9 % ни ташкил қилди.

2023 йил январь-декабрь ойларида кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми 181 116,2 млрд. сўмни ёки умумий ҳажмидаги улуши 51,4 % ни ташкил этди. Ўсиш суръати 2022 йил январь-декабрь ойларига нисбатан 130,6 % ни ташкил қилди.

2023 йил январь-декабрь ойларида кичик тадбиркорликнинг қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигидаги ҳажми 403 974,4 миллиард сўмни ёки умумий ҳажмидаги улуши 94,8 % ни ташкил этди. Ўсиш суръати 2022 йил январь-декабрь ойларига нисбатан 103,6 % ни ташкил қилди [24].

Кичик корхона ва микрофирмалар фаолияти натижалари бўйича ўтказилган танланма кузатув маълумотлари бўйича кичик корхона ва микрофирмаларнинг ишбилармонлик муҳити ҳолати таҳлил қилинганда, корхоналар томонидан ўзларининг умумий иқтисодий вазиятини жорий давр учун қулай деб баҳолаган корхоналар улуши 2018 йилнинг январь-декабрида 37,2 % ни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2023 йилнинг январь- декабрида 37,8 % га етган ёки 2018 йилнинг январь-декабрига нисбатан 0,6 % бирлик ошган.

2-жадвал

Кичик корхона ва микрофирмаларнинг 2018-2023 йиллар январь- декабрь ойлари учун умумий иқтисодий ҳолатини баҳолаши динамикаси (корхонанинг жорий ҳолати бўйича), % да

Иқтисодий ҳолати	Қулай	Қониқарли	Қониқарсиз
2018 йил	37,2	55,7	7,1
2019 йил	35,8	58,5	5,7
2020 йил	24,3	63,9	11,8
2021 йил	33,9	58,8	7,3
2022 йил	37,1	55,4	7,5
2023 йил	37,8	54,7	7,5

Шунингдек, иқтисодий вазиятини қониқарли деб баҳолаган корхоналарнинг улуши 2018 йилнинг январь-декабрида 55,7 % бўлган бўлса, бу кўрсаткич 2023

йилнинг январь-декабрида 54,7 % ни ташкил қилган. Ўз навбатида, иқтисодий вазиятини қониқарсиз деб ҳисоблаган корхоналарнинг улуши 2018 йилнинг январь-декабрида 7,1 % ни ташкил этган бўлса, 2023 йилнинг январь-декабрига келиб, бу кўрсаткич 7,5 % га етган ёки 0,4 % га кўпайган [24].

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, мамлакатимизда кичик бизнес соҳасидаги кўплаб ижобий натижалар бор, лекин бу билан биргаликда фаолиятни қониқарсиз деб баҳоланишига сабаб бўлувчи ҳамда соҳани ривожланишига салбий таъсир этувчи муаммолар ҳам бор. Бу муаммоларга – соҳага замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этишдаги муаммолар [3,7,21], экспорт салоҳияти оширишдаги тўсиқлар [4], янгиликлар ишлаб чиқиш ва жорий этиш даражасининг пастлиги [18], соҳада рақамли технологияни жорий этиш [8,9] ва ундан фойдаланишни кенгайтиришдаги муаммолар [10], самарали бошқаришдаги тўсиқлар, ишлаб чиқаришни ташкил этиш [2,11] ва бошқаришда хориж тажрибаларини жорий қилишдаги масалалар [17], мавжуд имкониятлардан тўла фойдаланмаслик [22], соҳани молиялаштиришдаги тўсиқлар [12,13], кичик бизнес соҳасидаги кадрлар малакасини ошириш масалалари, соҳада юқори малакага эга бўлган, ишбилармон, ташаббускор кадрларга эҳтиёжни юқорилиги [6], меҳнат салоҳиятидан унумли фойдаланишдаги муаммолар [23], уларни янги технологиялар асосида ўқитишдаги муаммолар [5], соҳа корхоналарида муваффақиятли стратегияларни ишлаб чиқиш ва қўллашдаги муаммолар [14,15,16], соҳа субъектларида моддий ресурслардан самарали фойдаланиш, таннархни пасайтириш борасидаги муаммолар [19,20] ва бошқа шу кабиларни санаб ўтишимиз мумкин.

Биз буларга қўшимча равишда айрим муаммоларни санаб ўтишимиз мумкин: жаҳон иқтисодиётидаги қутилмаган сиёсий, иқтисодий инқирозларни вужудга келиши; ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантиришни такомиллаштириш чоратадбирларини ишлаб чиқиш зарурияти, макроқўламда мамлакатлар иқтисодиётини бошқа мамлакатлар томонидан сунъий бошқаришни кузатилиши ва кучайиб бориши, мамлакатлар ўртасида сунъий қониқарсиз муносабатларни боришини майдонга келиши, жаҳонда хом-ашё таъминоти ва бошқа ресурслар таъминотидаги сунъий тўсиқларни шакллантирилиши ва бошқа шу кабилар.

Хулоса ва тавсиялар

Барча мамлакатларнинг иқтисодиётини ривожланишида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси алоҳида аҳамият касб этиши ҳеч кимга сир эмас. Соҳанинг ривожланиши мамлакат иқтисодиётини юксалишида ва халқ фаровонлигини оширишда асосий рол ўйнайди. Шунинг учун тадбиркорлик фаолиятини рағбатланишида аҳамиятли бўлган самарали стратегияларни ишлаб чиқиш ва қўллаш, унинг ижобий натижаларига эга бўлиш асосий вазифалар қаторидан ўрин олган.

Кичик тадбиркорлик фаолиятидаги айрим муаммоларни бартараф этиш ва соҳани ривожлантиришда қуйидагиларни тавсия этишимиз мумкин: халқаро амалиётга мувофиқ тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш; маъмурий харажатларни қисқартириш учун давлат ва кичик бизнес субъектлари ўртасидаги ўзаро алоқаларни рағбатланиши; ёшлар ва аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш; ишбилармонлик муҳитини яхшилаш: соҳанинг барча бўғинларида коррупцияни йўқотиш; инновацион корхоналарни қўллаб-қувватлаш ва унинг қўламини кенгайтириш ва бошқа шу кабилар.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Мирзиёев Ш.М. Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш бўйича янги тизим жорий этилади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 23 июль куни кичик бизнес ва тадбиркорликни янада ривожлантириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишидаги маърузадан. <https://president.uz/uz/2754>
2. Dedajonov, B. N. (2022). *Management. Darslik.–Toshkent.:“Fan ziyosi” nashriyoti, 580.*
3. Эшов М.П. Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши: омиллар, натижалар ва истикболлар. Монография. –Т.. «Маънавият», 2017. – 128 б. <file:///C:/Users/user/Downloads/3898-%D0%A2%D.pdf>
4. Dedajonov, B. N., & Ergasheva, F. I. (2019). ISSUES OF SUPPORT AND STIMULATION OF EXPORTING ENTERPRISES AND WAYS OF THEIR ELIMINATION. *Вестник Российского экономического университета им. ГВ Плеханова. Вступление. Путь в науку*, (3), 92-103.
5. Xabibullayevich, U. L., Nabijanovich, B. D., & Ibragimovna, F. E. (2020). Increasing effectiveness of economic education processis basis for the development of

qualification of entrepreneurship. *Asian Journal of Multidimensional Research (AJMR)*, 9(3), 210-215.

6. Ergasheva, Fotima (2019) "THE PEDAGOGICAL TECHNOLOGIES IN THE DEVELOPMENT OF THE ENTREPRENEURSHIP QUALIFICATION," *Scientific Bulletin of Namangan State University: Vol. 1: Iss. 2, Article 200*. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu/vol1/iss2/200>

7. Дедажанов Б.Н., & Эргашева Ф.И. (2021). РОЛЬ ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В РАЗВИТИИ ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСКИХ НАВЫКОВ. *Экономика и социум*, (1-1 (80)), 543-549.

8. Дедажанов Б.Н. ЦИФРОВИЗАЦИЯ ЭКОНОМИКИ - ТРЕБОВАНИЕ ВРЕМЕНИ. Современные технологии и автоматизация в технике, управлении и образовании. Сборник трудов III Международной Научно-практической конференции. Балаково, 2021. С. 293-297.

9. Lutfulla Xabibullayevich Ubaydullayev, & Bakhtiyor Nabijanovich Dedajanov. (2021). РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ: АФЗАЛЛИКЛАРИ ВА ХАТАРЛАРИ. *Markaziy Osiyo Ijtimoiy Tadqiqotlar Jurnali*, 2(01), 153-159. <https://doi.org/10.37547/jcass/volume02issue01-a23>

10. Lutfulla Xabibullayevich Ubaydullayev, & Bakhtiyor Nabijanovich Dedajanov. (2021). THE DIGITAL ECONOMY: ADVANTAGES AND RISKS. *Journal of Central Asian Social Studies*, 2(01), 153-159. <https://doi.org/10.37547/jcass/volume02issue01-a23>

11. Dedajanov, B. N., & Kholmiraeva, K. H. (2021). Managerial Effectiveness: Content, Evaluation and Recommendations. *Account and Financial Management Journal*, 6(5), 2318-2323. <https://doi.org/10.47191/afmj/v6i5.01>

12. Эргашева, Ф. И. (2023). ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАР ЖАРАЁНИДА БОШҚАРУВНИНГ АСОСИЙ МАСАЛАЛАРИ. FINLAND" MODERN SCIENTIFIC RESEARCH: TOPICAL ISSUES, ACHIEVEMENTS AND INNOVATIONS", 14(1).

13. Эргашева, Ф. И. (2023). БОШҚАРУВ ЖАРАЁНИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ: МУММОЛАР ВА ЕЧИМЛАР. FINLAND" MODERN SCIENTIFIC RESEARCH: TOPICAL ISSUES, ACHIEVEMENTS AND INNOVATIONS", 14(1).

14. Dedajanov Bahtiyor Nabijanovich, & Mirzababaev Abdullo Mamasodikjonovich. (2021). OBSTACLES TO IMPLEMENTATION AND STRATEGY

FORMULATION MANAGEMENT STRATEGY IN BUSINESS AND ISSUES OF ITS FORMATION. *Galaxy International Interdisciplinary Research Journal*, 9(10), 758–770. Retrieved from <https://giirj.com/index.php/giirj/article/view/432>

15. Nabijanovich, D. B. (2023, May). STRATEGIYA VA STRATEGIK BOSHQARISH: ILMIY YONDASHUVLAR VA XUSUSIYATLAR. In " CANADA" *INTERNATIONAL CONFERENCE ON DEVELOPMENTS IN EDUCATION, SCIENCES AND HUMANITIES* (Vol. 9, No. 1).

16. Nabijanovich, D. B. (2023, May). TADBIRKORLIK FAOLIYATIDA BOSHQARUV STRATEGIYASINI SHAKLLANTIRISH USULLARI. In " USA" *INTERNATIONAL SCIENTIFIC AND PRACTICAL CONFERENCE TOPICAL ISSUES OF SCIENCE* (Vol. 8, No. 1).

17. Dedajanov, B. N. (2021). FOREIGN MANAGEMENT MODELS: ADVANTAGES AND DISADVANTAGES. In *ЭКОНОМИКА И ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВО В СОВРЕМЕННОМ ЦИФРОВОМ ПРОСТРАНСТВЕ* (pp. 17-20).

18. Dedajanov Bakhtiyor Nabijanovich. (2022). INNOVATIVE ACTIVITY MANAGEMENT ISSUES. *Journal of Pharmaceutical Negative Results*, 3744–3755. <https://doi.org/10.47750/pnr.2022.13.S06.499> (Original work published December 29, 2022)

19. Dedajanov, B., & Xusanboev, B. (2023). QAYTA ISHLASH KORXONALARIDA MODDIY RESURSLAR MAZMUNING NAZARIY YONDASHUVLARI. *Talqin Va Tadqiqotlar*, 1(21). извлечено от <http://talqinvatadqiqotlar.uz/index.php/tvt/article/view/362>

20. Дедажанов Бахтиёр Набижанович, & Хусанбоев Бобурмирзо Исоқжон Ўғли (2023). ҚАЙТА ИШЛАШГА ИХТИСОСЛАШГАН КОРХОНАЛАРДА МОДДИЙ РЕСУРСЛАР ВА УЛАРНИ БОШҚАРИШНИНГ ИҚТИСОДИЙ МАЗМУНИ. *Экономика и финансы (Узбекистан)*, (3 (163)), 49-56. doi: 10.34920/eIf/vOL_2023_Issue_3_7

21. Эргашева, Ф. И. (2023). ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИДА АХБОРОТЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ХУСУСИЯТЛАРИ. *SPAIN" PROBLEMS AND PROSPECTS FOR THE IMPLEMENTATION OF INTERDISCIPLINARY RESEARCH"*, 14(1).

22. Дедажанов Бахтиёр, & Камолиддинов

Илҳомжон. (2022). ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ТАДБИРКОРЛИК
СУБЪЕКТЛАРИ ФАОЛИЯТИ ТАЪСИРИНИ ОШИРИШ
ЙЎНАЛИШЛАРИ. *Инновации в технологиях и естественнонаучном
образовании*, 1 (1), 87–95. Получено с
<http://humoscience.com/index.php/itse/article/view/13>

23. Dedajanov B.N., & Xusanboyev Boburmirzo isogjon o'g'li. (2022).
EFFICIENCY OF LABOR POTENTIAL. *Web of Scientist: International Scientific Research
Journal*, 3(6), 218–227. <https://doi.org/10.17605/OSF.IO/5YVXE>

24. O‘zbekiston Respublikasi Davlat statistika qo‘mitasi ma’lumotlari. *Stat.uz*.